# YASHIL
## IQTISODIYOT&TARAQQIYOT

*Ijtimoiy, iqtisodiy, texnologik, ilmiy, ommabop jurnal*

**2026-YIL**
**IYUN/6-SON, I-QISM**



ISSN: 2992-8982
https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/

YASHIL
IQTISODIYOT&TARAQQIYOT
*Ijtimoiy, iqtisodiy, texnologik, ilmiy, ommabop jurnal*

*Elektron nashr. 2026-yil, iyun.*

**Bosh muharrir:**
**Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich**

**Bosh muharrir o'rinbosari:**
**Karimov Norboy G'aniyevich**

**Muharrir:**
**Qurbonov Sherzod Ismatillayevich**

**Tahrir hay'ati:**
**Salimov Oqil Umrzoqovich,** O'zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi
**Abduraxmanov Kalandar Xodjayevich,** O'zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi
**Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich,** texnika fanlari doktori (DSc), professor
**Rae Kvon Chung,** Janubiy Koreya, TDIU faxriy professori, "Nobel" mukofoti laureati
**Osman Mesten,** Turkiya parlamenti a'zosi, Turkiya – O'zbekiston do'stlik jamiyati rahbari
**Axmedov Durbek Kudratillayevich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Axmedov Sayfullo Normatovich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Kalonov Muxiddin Baxritdinovich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Siddiqova Sadoqat G'afforovna,** pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
**Xudoyqulov Sadirdin Karimovich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Maxmudov Nosir,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Yuldashev Mutallib Ibragimovich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Samadov Asqarjon Nishonovich,** iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor
**Slizovskiy Dimitriy Yegorovich,** texnika fanlari doktori (DSc), professor
**Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Axmedov Ikrom Akramovich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Xajiyev Baxtiyor Dushaboyevich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Hakimov Nazar Hakimovich,** falsafa fanlari doktori (DSc), professor
**Musayeva Shoira Azimovna,** iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), professor
**Ali Konak (Ali Ko'nak),** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor (Turkiya)
**Cham Tat Huei,** falsafa fanlari doktori (PhD), professor (Malayziya)
**Foziljonov Ibrohimjon Sotvoldixo'ja o'g'li,** iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dots.
**Faxridinov Zafarjon Faxridin o'g'li,** O'zb. Res. Bosh prokuraturasi HIJQKD boshqarma boshlig'i
**Utayev Uktam Choriyevich,** Anijon viloyati prokurorining o'rinbosari
**Ochilov Farkhod,** O'zb. Res. Bosh prokuraturasi IJQK Departamentining Namangan viloyati boshqarmasi boshlig'i
**Buzrukxonov Sarvarxon Munavvarxonovich,** iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent
**Axmedov Javohir Jamolovich,** iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
**Toxirov Jaloliddin Ochil o'g'li,** texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), katta o'qituvchi
**Bobobekov Ergash Abdumalikovich,** iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), v.b. dots.
**Djudi Smetana,** pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (AQSH)
**Krissi Lyuis,** pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (AQSH)
**Glazova Marina Viktorovna,** Iqtisodiyot fanlari doktori (Moskva)
**Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi,** iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
**Sevil Piriyeva Karaman,** falsafa fanlari doktori (PhD) (Turkiya)
**Mirzaliyev Sanjar Makhamatjon o'g'li,** TDIU ITI departamenti rahbari
**Ochilov Bobur Baxtiyor o'g'li,** TDIU katta o'qituvchisi
**Golisheva Yelena Vyacheslavovna,** Iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.
**Abdukarimova Dinara Rustamxanovna,** bank-moliya akademiyasi professori, DSc., professor.
**Ikramov Murod Akramovich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Nazarova Ra'no Rustamovna,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor

# YASHIL

IQTISODIYOT&TARAQQIYOT

*Ijtimoiy, iqtisodiy, texnologik, ilmiy, ommabop jurnal*



**Editorial board:**

**Salimov Okil Umrzokovich,** Academician of the Academy of Sciences of Uzbekistan
**Abdurakhmanov Kalandar Khodjayevich,** Academician of the Academy of Sciences of Uzbekistan
**Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich,** Doctor of Technical Sciences (DSc), Professor
**Rae Kwon Chung, South Korea,** Honorary Professor at TSUE, Nobel Prize Laureate
**Osman Mesten,** Member of the Turkish Parliament, Head of the Turkey–Uzbekistan Friendship Society
**Akhmedov Durbek Kudratillayevich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Akhmedov Sayfullo Normatovich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Abdurakhmanova Gulnora Kalandarovna,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Kalonov Mukhiddin Bakhriddinovich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Siddikova Sadokat Gafforovna,** Doctor of Philosophy (PhD) in Pedagogical Sciences
**Khudoykulov Sadirdin Karimovich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Makhmudov Nosir,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Yuldashev Mutallib Ibragimovich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Samadov Askarjon Nishonovich,** Candidate of Economic Sciences, Professor
**Slizovskiy Dmitriy Yegorovich,** Doctor of Technical Sciences (DSc), Professor
**Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Akhmedov Ikrom Akramovich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Eshtayev Alisher Abduganiyevich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Khajiyev Bakhtiyor Dushaboyevich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Khakimov Nazar Khakimovich,** Doctor of Philosophy (DSc), Professor
**Musayeva Shoira Azimovna,** Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences, Professor
**Ali Konak,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor (Turkey)
**Cham Tat Huei,** Doctor of Philosophy (PhD), Professor (Malaysia)
**Foziljonov Ibrokhimjon Sotvoldikhoja ugli,** Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences, Associate Professor
**Fakhridinov Zafarjon Fakhridin ogli,** Head of the DCEC under the Prosecutor Genera's Office of the Rep. of Uzb.
**Utayev Uktam Choriyevich,** Deputy Prosecutor of Anijan Region
**Ochilov Farkhod,** Head of the Namangan Regional Department of the Department of Internal Affairs of Rep. of Uzb.
**Buzrukkhonov Sarvarkhon Munavvarkhonovich,** Candidate of Economic Sciences, Associate Professor
**Akhmedov Javokhir Jamolovich,** Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences
**Tokhirov Jaloliddin Ochil ugli,** Doctor of Philosophy (PhD) in Technical Sciences, Senior Lecturer
**Bobobekov Ergash Abdumalikovich,** Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences, Acting Associate Professor
**Judi Smetana,** Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor (USA)
**Chrissy Lewis,** Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor (USA)
**Glazova Marina Victorovna,** Doctor of Sciences in Economics (Moscow))
**Nosirova Nargiza Jamoliddin kizi,** Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences, Associate Professor
**Sevil Piriyeva Karaman,** Doctor of Philosophy (PhD) (Turkey)
**Mirzaliyev Sanjar Makhamatjon ugli,** Head of the Department of Scientific Research and Innovations, TSUE
**Ochilov Bobur Bakhtiyor ugli,** Senior lecturer at TSUI
**Golisheva Yelena Vyacheslavovna,** Candidate of Economic Sciences, Associate Professor.
**Abdukarimova Dinara Rustamkhanovna,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Ikramov Murod Akramovich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Nazarova Ra'no Rustamovna,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor

Ekspertlar kengashi:
**Berkinov Bazarbay,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Po'latov Baxtiyor Alimovich,** texnika fanlari doktori (DSc), professor
**Aliyev Bekdavlat Aliyevich,** falsafa fanlari doktori (DSc), professor
**Isakov Janabay Yakubbayevich,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor
**Xalikov Suyun Ravshanovich,** iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent
**Rustamov Ilhomiddin,** iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent
**Hakimov Ziyodulla Ahmadovich,** iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent
**Kamilova Iroda Xusniddinovna,** iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
**G'afurov Doniyor Orifovich,** pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
**Fayziyev Oybek Raximovich,** iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
**Tuxtabayev Jamshid Sharafetdinovich,** iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
**Xamidova Faridaxon Abdulkarim qizi,** iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent
**Yaxshiboyeva Laylo Abdisattorovna,** katta o'qituvchi
**Babayeva Zuhra Yuldashevna,** mustaqil tadqiqotchi
**Komilova Nilufar Karshiboyevna,** Geografiya fanlari doktori, professori
**Umirzoqov Ja'sur Artiqboy o'g'li,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent
**Zebo Kuldasheva,** iqtisodiyot fanlari doktori (DSc ), dotsent

Board of Experts:
**Berkinov Bazarbay,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Pulatov Bakhtiyor Alimovich,** Doctor of Technical Sciences (DSc), Professor
**Aliyev Bekdavlat Aliyevich,** Doctor of Philosophy (DSc), Professor
**Isakov Janabay Yakubbayevich,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Professor
**Khalikov Suyun Ravshanovich,** Candidate of Economic Sciences, Associate Professor
**Rustamov Ilkhomiddin,** Candidate of Economic Sciences, Associate Professor
**Khakimov Ziyodulla Akhmadovich,** Doctor of Economic Sciences, Associate Professor
**Kamilova Iroda Khusniddinovna,** Doctor of Philosophy (PhD) in Economics
**Gafurov Doniyor Orifovich,** Doctor of Philosophy (PhD) in Pedagogy
**Fayziyev Oybek Rakhimovich,** Doctor of Philosophy (PhD) in Economics, Associate Professor
**Tukhtabayev Jamshid Sharafetdinovich,** Doctor of Philosophy (PhD) in Economics, Associate Professor
**Khamidova Faridakhon Abdulkarimovna,** Doctor of Economic Sciences, Associate Professor
**Yakhshiboyeva Laylo Abdisattorovna,** Senior Lecturer
**Babayeva Zuhra Yuldashevna,** Independent Researcher
**Komilova Nilufar Karshiboyevna,** Doctor of Geographical Sciences, Professor
**Umirzokov Jasur Artiqboy ugli,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Associate Professor
**Zebo Kuldasheva,** Doctor of Economic Sciences (DSc), Associate Professor

08.00.01 Iqtisodiyot nazariyasi
08.00.02 Makroiqtisodiyot
08.00.03 Sanoat iqtisodiyoti
08.00.04 Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti
08.00.05 Xizmat ko'rsatish tarmoqlari iqtisodiyoti
08.00.06 Ekonometrika va statistika
08.00.07 Moliya, pul muomalasi va kredit
08.00.08 Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
08.00.09 Jahon iqtisodiyoti
08.00.10 Demografiya. Mehnat iqtisodiyoti
08.00.11 Marketing
08.00.12 Mintaqaviy iqtisodiyot
08.00.13 Menejment
08.00.14 Iqtisodiyotda axborot tizimlari va texnologiyalari
08.00.15 Tadbirkorlik va kichik biznes iqtisodiyoti
08.00.16 Raqamli iqtisodiyot va xalqaro raqamli integratsiya
08.00.17 Turizm va mehmonxona faoliyati

Muassis: "Ma'rifat-print-media" MChJ
Hamkorlarimiz: Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti

Jurnalning ilmiyligi:
""Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali

O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2023-yil 1-apreldagi 336/3-sonli qarori bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

# MUNDARIJA

O'ZBEKISTON MOLIYA TIZIMINING ZAMONAVIY HOLATI VA UNING BARQARORLIK KO'RSATKICHLARI ........ 18
**Nazarov G'ayrat Xayrullayevich**
YUKLARNI TASHISHDA ZARURIY TRANSPORT XUJJATLARI ........ 22
**Ne'matov Husniddin Alijon o'g'li**
SURXONDARYO VILOYATI HUDUDLARINING MOLIYAVIY BARQARORLIGINI OSHIRISHDA MOLIYAVIY IMTIYOZ VA PREFERENSIYALARNI SAMARALI QO'LLASH YO'NALISHLARI ........ 27
**Otamurodova Dildora Abdukrimovna**
GLOBAL BEQARORLIK SHAROITIDA MILLIY IQTISODIYOTNING RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH MODELLARI ........ 32
**Saidnazarova Odinabonu Saidolim qizi**
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ИССЛЕДОВАНИЙ В ОБЛАСТИ УЧЕТА И АУДИТА ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ........ 37
**Пулатова Мадина Бейсеновна**
**Табаев Азамат Зарипбаевич**
MAJBURIYATMI YOKI MAJBURIY RISK? MOLIYAVIY MAJBURIYATLAR KONSEPTUAL ASOSLARINING IQTISODIY TABIATI VA ZAMONAVIY TALQINLARI ........ 42
**Palvanov Xusniddin Bekimmatovich**
ПРИНЦИПЫ И МЕТОДЫ УЧЕТА ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ В СИСТЕМЕ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ........ 47
**Пу Кебин**
TRANSPORT XIZMATLARI SIFATINI BARQARORLIK NUQTAYI NAZARIDAN O'RGANISH METODOLOGIYASI ........ 51
**Xodjaniyazov Elbek Sardorovich**
VILOYAT SANOAT KORXONALARINING INNOVATSION RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI KO'P OMILLI EMPIRIK MODELLAR ASOSIDA TAHLIL QILISH VA PROGNOZLASH (Qashqadaryo viloyati misolida) ........ 57
**Avazova Nafisa Namazovna**
SANOAT KORXONALARI SHOVQINI VA ATMOSFERA CHIQINDILARINING TURAR-JOY HUDUDLARI EKOLOGIYASIGA TA'SIRINI KAMAYTIRISH CHORALARI ........ 61
**Saparova Shohida Abduvaliyevna**
SANOAT SHOVQINI VA ATMOSFERA IFLOSLANISHINING SHAHAR TURAR JOY HUDUDLARI VA EKOLOGIYASIGA TASIRINI O'RGANISH ........ 65
**Shaxyusupova Nilufar Erkin qizi**
BARQAROR SHAHAR RIVOJLANISHIDA SANOAT OQOVA SUVLARINI BIOLOGIK TOZALASH TEXNOLOGIYALARINING ROLI ........ 69
**Tursunova Aziza Asrorovna**
SHAHAR EKOLOGIK MUHITIGA SANOAT KORXONALARINING TA'SIRINI BAHOLASH ........ 75
**Imomnazarov Farrux Saibjabbor o'g'li**
O'ZBEKISTONDA AYOLLAR TADBIRKORLIGI: RIVOJLANISH TENDENSIYALARI VA IQTISODIY KO'RSATKICHLAR TAHLILI ........ 78
**Xusanova Zulfiya Raxmatullayevna**
KORXONALARDA INVESTITSIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION BOSHQARUV MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 87
**No'monjonova Muazzam Mahbubjon qizi**
SOLIQ TIZIMIDA SOLIQ RISKINI BAHOLASH USLUBIYOTI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ........ 93
**Nasimov Ravshanjon Azimovich**

MUNDARIJA СОДЕРЖАНИЕ CONTENTS

MUNDARIJA СОДЕРЖАНИЕ CONTENTS

KICHIK VA O‘RTA BIZNES SUBYEKTLARINI RAQAMLASHTIRISHNING IQTISODIY SAMARADORLIGI ........ 100
**Kazakova Zulayho Salaxiddinovna**
THE IMPACT OF DIGITAL LITERACY ON LABOR PRODUCTIVITY IN UZBEKISTAN’S SERVICE SECTOR: A REGRESSION ANALYSIS........ 106
**Ismoilov Elyorjon Makhamadali Ugli**
**Urinov Bobur Nasilloyevich**
EKOLOGIK NIZOLARNI HAL ETISHDA SUD AMALIYOTINING O‘RNI VA AHAMIYATI........ 112
**Gapparov Sarvar Xolmurodovich**
ASOSIY FAOLIYAT XARAJATLARINING NAZARIY VA HUQUQIY ASOSLARI ........ 116
**Djumayeva Guzal Axtamovna**
**Yadgarova Madina Xasan qizi**
RAQAMLI TRANSFORMATSIYA JARAYONIDA BANK SOHASIDAGI KIBERJINOYATLAR: TAHLIL, TAHDID VA MUHOFAZA MEXANIZMLARI ........ 120
**Xudayarova Xurshida Abdunazarovna**
ПРОБЕЛЫ В МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОМ РЕГУЛИРОВАНИИ СОВМЕСТНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ ТРАНСГРАНИЧНЫХ РЕК ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ (НА ПРИМЕРЕ БАССЕЙНА АРАЛЬСКОГО МОРЯ)........ 126
**Тиллахуджаев Аббосхон**
**Дилфуза Шакирова**
**Мухамедалиева Сайёра**
**Ойбек Камилов**
ALOQA XIZMATLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYANING O‘RNI VA BAHOLASH USULLARI ........ 139
**Xazratov Abror Panjiyevich**
STRATEGIC HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION: CHALLENGES AND OPPORTUNITIES........ 146
**Sultonboyeva Munira Bahodirovna**
**Sultanova Kamila Muktorali Kizi**
TIJORAT BANKLARIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISHNING NORMATIV-HUQUQIY ASOSLARI........ 154
**Toshimov Azizbek Hakimovich**
**Nomozov G‘ofur Abdusalomovich**
DAVLAT BUDJETI XARAJATLARINING ASOSIY YO‘NALISHLARI: STRUKTURAVIY TRANSFORMATSIYA VA SAMARADORLIKNI BAHOLASH ........ 158
**Izbosarov Bobur Baxriddinovich**
**Umirov Sherzod Baxriddinovich**
INTEGRATION OF TRADE MARKETING AND E-COMMERCE: COMBINING ONLINE AND OFFLINE SALES CHANNELS ........ 162
**Mamatkulova Shoira Jalolovna**
AHOLIGA SAVDO XIZMATLARI KO‘RSATISH SOHASINI RAQAMLASHTIRISH MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH........ 168
**Qodirov Farrux Ergash o‘g‘li**
**Jurayev Suxrobjon Saloxiddin o‘g‘li**
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МАРКЕТИНГОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ В МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ........ 177
**Маматкулова Шоира Джалоловна**
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЛОГИСТИКИ В РАЗВИТИИ КОММЕРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ........ 184
**Маматкулова Шоира Джалоловна**

SUN'IY INTELLEKT VA RAQAMLI TRANSFORMATSIYANING BANK SOHASIDA INTEGRATSIYASI XUSUSIYATLARI VA TAHLILI ........ 191
**Jurayeva Sevara Zakirovna**

INNOVATSION IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISHNING MEHNAT BOZORIGA TA'SIRLARINI BAHOLASH MASALALARI ........ 197
**Tursunboyev Umarbek**

БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 213
**Ж.О.Баходиров**

MUNDARIJA СОДЕРЖАНИЕ CONTENTS

# БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**ТДИУ мустақил изланувчиси**
**Ж.О.Баходиров**

**Аннотация:** Ушбу мақолада трансформация жараёнида мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш воситалари ва усулларини такомиллаштириш асосида хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўллари, банк ликвидлигининг моҳияти, ривожланиш тарихи ҳамда банк ликвидлигини ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Хусусан, мақолада банк ликвидлигини таъминлаш воситалари ва усулларини жорий этиш асосида банклар фаолияти самарадорлигини оширишдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

**Калит сўзлар:**, тижорат банки, банк ликвидлиги, ликвидлик, инновация, банк хизматлари, самарадорлик, инновацион хизматлар, янги хизмат турлари

**Аннотация:** в данной статье будет рассказано о путях повышения эффективности предоставляемых услуг, сущности банковской ликвидности, истории развития и перспективах развития банковской ликвидности на основе совершенствования средств и методов обеспечения ликвидности коммерческих банков нашей страны в процессе трансформации. В частности, в статье представлены существующие проблемы в повышении эффективности банковской деятельности на основе внедрения инструментов и методов обеспечения банковской ликвидности, а также авторские рекомендательные подходы и предложения по их устранению.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, ликвидность банка, ликвидность ликвидности, инновации, банковские услуги, эффективность, инновационные услуги, новые виды услуг

**Abstract:** This article will discuss ways to enhance the efficiency of services provided, the significance of bank liquidity, the historical development and future prospects of bank liquidity through improved means and methods for maintaining the liquidity of commercial banks in our country during the transformation process. Specifically, the article will present existing challenges in enhancing the efficiency of banking operations through the implementation of tools and techniques to ensure bank liquidity. Additionally, the author will offer recommendations and suggestions for addressing these challenges.

**Keywords:** commercial bank, bank liquidity, innovative services, efficiency, new types of services

## КИРИШ

Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини объектив баҳолаш ва уни самарали бошқариш учун тўловларни тезкор амалга ошириш, депозит ҳисобварақлардан пул эгаларига маблағларни қайтариш, мажбуриятларнинг бажарилишини ўз вақтида йўқотишларсиз таъминлаш тақозо этилади. Бунда ликвидлиликни мустаҳкамлашнинг воситалари ва усулларини жорий этиш зарурияти бошқариш усулларини танлаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида субъектнинг бевосита объектга қай даражада таъсир кўрсатишидан келиб чиқади.

Ҳозирда аксарият хорижий мамлакатлар банк тизимида инқирознинг салмоғи сезиларли даражада ортиб бормоқда. Хусусан, бундай салбий тенденциялар Греция, Ирландия, Португалия, Испания, Кипр каби мамлакатлар банк тизимида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда [1]. Бу эса, мамлакат банк тизимининг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш учун, аввало, пул бозорини шакллантириш, муддатли барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш, банк активлари сифатини ошириш, банк ва филиалларнинг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар етишмаслигини молиявий ресурслар билан таъминлаш, юқори ликвидли қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар улушини кўпайтириш, банкларга бўлган ишончни ошириш, банклар ўртасида рақобатбардошликни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда жадал иқтисодий ислоҳотлар шароитида банк тизими ликвидлилик даражасини қўллаб-қувватлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Банк тизимини ривожлантириш, жумладан, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда инфратузил-масини такомиллаштириш, инвестицияларни самарали жалб қилиш, юқори ликвидли қимматли

қоғозларга йўналтирилувчи инвестициялар улушини кўпайтириш, узоқ муддатли ресурслар танқислиги шароитида қисқа муддатли ресурслар ортиқчалигини трансформациялаш, банкларнинг депозит базасида муддатли ва жамғарма депозитлар салмоғини ошириш, муддати ўтган ва муаммоли кредитларни кескин қисқартириш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

## МАВЗУГА ДОИР АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш воситалари ва усулларини такомиллаштириш борада иқтисодчи олимларнинг қатор ёндошувлари мавжуд, хусусан, М.Б.Диченко, Ю.В.Коноволова, А.Н.Волков, Н.П.Белотелова, А.В.Наприенко, Б.А.Базыров, Л.А.Аскерова, О.Б.Саттаров, В.В.Иванов, И.В.Ларионова, М.А.Поморина, К.К.Филимонова-Арутюновалар банкнинг ликвидлигига бевосита таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар таркибининг илмий жиҳатларини тадқиқ этган. Фикримизча, тижорат банкларининг ликвидлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ва элементлардаги маълумотлардан кўринадики, тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир этувчи омиллар ўзаро алоқадорликда ҳаракатланади ва шу тариқа тизимнинг яхлитлигини таъминлайди [2].

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [3].

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси “ликвидлилик - бу активларнинг ўсишини молиявий ресурслар билан таъминлаш, сўндириш муддати келган мажбуриятларни йўқотишларсиз бажаришда банкнинг имконияти” мазмунидаги фикрларни тавсия қилади [4]. Ушбу халқаро даражадаги тавсиявий ҳужжатда ликвидлилик атамаси жаҳон банк амалиётига хос таърифланган.

Таниқли иқтисодчи олимларнинг ликвидлиликка оид илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий ўрганиш натижасида банк ликвидлигининг моҳиятини тўлиқроқ очиб беришга хизмат қилувчи қуйидаги таъриф шакллантирилди: «банк ликвидлилиги банк фаолиятига миқдорий баҳо ва сифатий тавсиф берувчи кўрсаткич бўлиб, зарур пайтда молия бозоридан ликвидли маблағларни арзон нархларда депозитларга жалб қилиш, активлар ўсишини ресурслар билан таъминлаш, банк рискларини камайтириш, юқори ликвидли ва ликвидли активлар ҳажмини мақбул даражада мустаҳкамлаш, муддати келган барча реал ва шартли мажбуриятларни ўз вақтида ва келгусида йўқотишларсиз, тўлиқ бажариш имкониятидир» [5].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Т.Қоралиевнинг фикрича, «банк ликвидлиги – ўз активларини нақд пул сифатида ишлатиши ёки уларнинг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда пул маблағларига тезда айлантириш йўли билан мавжуд молиявий мажбуриятларни қоплай олиш қобилиятидир»[6]. Ш.З.Абдуллаева «тижорат банкининг ликвидлилиги – бу банкнинг барча мижозлари олдидаги қарз ва молиявий мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олишидир» [7]. О.Б.Саттаров «банк ликвидлилиги – бу банкнинг жорий ва келажакдаги мажбуриятлари ва тўловлари, кредит бўйича мижозлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириш ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилиятлар йиғиндисидир» мазмунидаги фикрни қўллаб-кувватлайди [8]. Тарифларда банкнинг фаолиятига берилган умумий миқдорий баҳо, сифатли тавсиф, активларнинг ўсишини молиявий ресурслар билан таъминлаш, молия бозоридан асосий ва қўшимча ликвидли маблағларни мақбул нархда жалб қилиш, банк рискларини пасайтириш каби параметрлар ҳисобга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйилган талаблар тўғрисида»ги Низомида «банкнинг ликвидлилиги – бу банк мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш имкониятидир» мазмунидаги фикрни эътироф этади [9]. Ушбу Низомда банкнинг ликвидлилиги қисқа доирада таъриф берилган.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўринадики, ҳозиргача жаҳон банк амалиётида ликвидлиликни таъминлашнинг ягона оптимал усули танлаб олинганича йўқ. Ликвидлиликни таъминлашга тегишли ёндошувлар ва усуллар бугунги куннинг талабларига етарлича жавоб бермайди ва банкнинг иқтисодий жараёнларида ягона технологиянинг мавжуд эмаслигидир. Ҳар бир банк ўзининг ликвидлилигини таъминлаши учун мустақил равишда ўзига мос усулларни танлайди, шу сабабли ҳам банк ликвидлилигини мустаҳкамлаш усуллари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Илмий манбаларда банк ликвидлигини мустаҳкамлашнинг қатор усулларидан фойдаланади.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада илмий абстракциялаш, груҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида тижорат

банклари ликвидлигини таъминлаш воситалари ва усулларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда ликвидликни таъминлаш асосида банклар фаолияти самарадорлигини ошириш усулларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

***Таҳлил ва натижалар***. Халқаро банк амалиётида ликвидли маблағларга бўлган талабни баҳолашда маблағлар манбалари ва ундан фойдаланиш, маблағлар таркиби ва ликвидлилик кўрсаткичлари усулларидан фойдаланилади.

Маблағлар манбалари ва ундан фойдаланиш усули иккита оддий омилга асосланади: биринчиси, агар банк депозитларининг миқдори кўпайиб қарз миқдори камайса, банкнинг ликвидли маблағлари кўпаяди; иккинчиси, агар депозитларнинг миқдори камайиб қарз миқдори кўпайса, банкнинг ликвидли маблағлари камаяди. Ушбу усул банк амалиётида қўлланилганда қуйидаги вазиятларга эътиборни қаратмоқни тақозо этади. Агар ликвидли маблағларнинг манбалари ва улардан фойдаланиш миқдорини бир-бири билан қиёслаб бўлмаса, у ҳолда банк тизимида ликвидлилик тафовути юзага келади. Бундай ҳолатда маблағларнинг кирими ва чиқими бўйича фарқ юзага келади.

Агар ликвидли маблағлар таркибида чиқим киримдан ортиқча бўлса, банк тизимида ижобий ликвидлилик тафовути юзага келади. Ликвидли манбаларнинг ортиқчалигини қисқа муддат ичида бартараф этиш учун инвестиция билан тўлдириш ёки қоплаш зарур. Агар ликвидли маблағлардан фойдаланиш миқдори уларнинг манбаларидан ортиқча бўлса, у ҳолда банк фаолиятида ликвидли маблағларнинг танқислиги юзага келади. Бу ҳолатга салбий ликвидли тафовут деб қаралади. Бу усулнинг элементлари қуйидагилардан иборат: 1) ликвидлиликни режалаштириш даврига кўра кредитлар ва депозитлар миқдорининг прогноз ҳолатини белгилаш; 2) ликвидлиликни режалаштириш даврига кўра кўзда тутилган кредитлар ва депозитлар миқдорининг динамикасини белгилаш; 3) ликвидлиликни режалаштириш даврига кўра, ликвидлиликни бошқариш менеджери банк позициясининг нетто-ликвидлик кўрсаткичини баҳолаши.

Мазкур усул ёрдамида банк ликвидлигини ҳисоблаш учун билим ва тажрибага таянган ҳолда турли статистик усуллардан фойдаланилади. Бу эса кредитлар ва депозитларнинг миқдорини прогнозлашга ёрдам беради. Масалан, ликвидли маблағларни аниқлаш ва бошқаришда банкнинг иқтисодий бўлими қуйидаги боғлиқланишлардан фойдаланиши мумкин:

$$y_1 = f(x_1, x_2) \quad \text{ва} \quad y_2 = f(x_3, x_4) \qquad (1)$$

бунда $y_1 y_1$ - келгуси даврда кутилаётган жами кредитларнинг ўзгариши; $y_2\, y_2$ - келгуси даврда кутилаётган маблағларнинг ортиқчалиги ёки танқислиги; $x_1$ - мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш прогнози; $x_2$ - корпорациялар даромадларининг чораклик прогнози; $x_3$ - кўзда тутилган омонатлар ва нодепозит мажбуриятларнинг ўзгариши; $x_4$ - кўзда тутилган жами кредитларнинг ўзгариши.

Айтиш жоизки, маблағлар манбалари ва улардан фойдаланиш усули ёрдамида банк раҳбариятига кредитлар ва депозитлар, маблағларнинг танқислиги ва ижобий қолдиқлар тўғрисида прогноз вариантларининг миқдорий ҳолатини бериш мумкин.

Маблағлар таркиби усули ёрдамида ликвидли маблағларни ҳисоблаш учун зарур бўлган банк депозитлари ва нодепозит мажбуриятлари кўрсаткичларидан фойдаланилади. Усулда келтирилишича, бу кўрсаткичлар учта категорияга ажратилиб, сўнгра уларнинг ҳисоб-китоблари аниқланади:

1. “Қайноқ пуллар” бўйича мажбуриятлар – булар омонатлар, бошқа пул маблағлари ва мажбурий заҳира жамғармаси бўлиб, улар фоиз ставкасидаги ўзгаришларни ўзида аниқ намоён этади.
2. Ишончли маблағлар – бу мижозларнинг омонатлари бўлиб, омонатчилар уларни жорий даврнинг исталган пайтида олиб қўйиши мумкин.
3. Барқарор маблағлар – бу асосий омонатлар ёки мажбуриятлардир. Бундай маблағларни банк раҳбарияти секин-аста шакллантириши мумкин.

Бундай усул айниқса, банкнинг ликвидли маблағларига бўлган талабини баҳолаш орқали ликвидилиликни таъминлашга кўмак беради.

Ликвидлилик кўрсаткичлари усули айрим пайтларда ўртача тармоқ кўрсаткичларини ҳисоблашда қўлланилади. Бу усул ёрдамида банкнинг молиявий коэффициентлари (ликвидлилик индикаторлари) аниқланади. Ликвидлилик индикаторлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- пул позицияси кўрсаткичлари (пул маблағлари + жамғарма муассасидаги омонатлар + жами активлар);
- ликвидли қимматли қоғозлар кўрсаткичи (ҳукумат қимматли қоғозлари + жами активлар);
- мажбурий заҳира жамғармаси нетто-позицияси (Федерал заҳира тизими қолдиғи – сотиб олинадиган мажбурий заҳиралар жамғармаси + жами активлар);

- қувватлардан фойдаланиш коэффициенти (соф кредитлар, ижарага берилган активлар + жами активлар);
- қўйилмадаги қимматли қоғозларнинг улуши (банкнинг қимматли қоғозлари);
- "қайноқ пуллар" улуши (бозор активларининг пул кўриниши + бозор мажбуриятларининг пул кўриниши + евровалютадаги депозитлар + қарз мажбуриятлари + сотиладиган қимматли қоғозларнинг қиймати);
- қисқа муддатли инвестицияларнинг банк мажбуриятларига бўлган нисбати (қисқа муддатли инвестициялар + мажбуриятларнинг фоиз ставка- сига кўра тебраниши);
- брокер депозитлари кўрсаткичи (брокерлик депозитлари + барча турдаги депозитлар миқдори);
- асосий депозитларнинг улуши (асосий депозитлар + жами активлар);
- омонатлар таркибининг нисбати (талаб қилиб олингунча депозитлар + муддатли депозитлар) [10].

Иқтисодий-математик усуллар банк ликвидлилигини таъминлашни режлаштириш, прогнозлаш ва бошқаришнинг самарадорлигини оширишда қўлланилмоқда. Бунинг учун жуда кўп маълумотлар керак бўладики, уларни қайта ишлаш ва тегишли қарор қабул қилишни замонавий компьютерларнинг ёрдамисиз тасаввур этиш қийин. Бунда тегишли қарор қабул қилиш бир қанча босқичлардан иборат бўлади. *Биринчи босқичда* банк ликвидлилигига нисбатан мақсадни қай тарзда қўйилишига кўра зарур бўлган воқеа ва ҳодисалар, улар ўртасидаги қонуниятлар ҳар томонлама таҳлил қилинади. *Иккинчи босқичда* банк ликвидлилигига доир қўйилган масаланинг математик модели тузилади. Қўйилган масалани ечишда мақсадни ифодаловчи функциянинг табиати аниқланади. Мақсад функцияси кўпинча қўрилаётган масаланинг мақбуллик мезони кўринишида бўлиши мумкин. *Учинчи босқичда* мақсад функциясига таъсир этувчи миқдорлар аниқланиб, улар орасидаги ўзаро муносабат, таъсирлар ва асосий қонуниятлар аниқланади ва ниҳоят, тўртинчи босқичда олинган натижалар таҳлил қилиниб, ўрганилаётган объектга нисбатан режа қабул қилинади.




**1-расм. Банк тизимида ликвидлилик даражасини баҳолаш усуллари[1]**

1 Муаллиф ишланмаси

Ҳозирги вақтда банк секторининг рентабеллик кўрсаткичларида пасайиш тренди кузатилмоқда. Хусусан, 2024 йил 1 июль ҳолатига, банкларнинг капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи 11 фоизни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 фоиз бандга пасайган. Ушбу пасайиш динамикасини 2023 йил 1 июль – 2024 йил 1 июль давр оралиғида банкларнинг соф фойдаси 9 фоизга камайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, операцион харажатлар ҳамда активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларнинг камайиши банк тизими рентабеллигини оширишга етарлича таъсир кўрсатмади.

Хусусан, 2024 йил 1 июль ҳолатига банк тизими бўйича NSFR кўрсаткичи медиана қийматидан 8 фоиз бандга паст шаклланди. Шунингдек, 2023 йил 1 июль – 2024 йил 1 июль оралиғида LCR кўрсаткичи 16 фоиз бандга ошиб, медиана қийматига нисбатан 47 фоиз бандга паст даражада жойлашди. Бунда, LCRнинг ошиши юқори ликвидли активлар ҳажми 27 фоизга ўсганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, 2024 йил I ярим йиллигида юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати 14,4 фоизни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 0,8 фоиз бандга ошди. Ушбу ўсишни, банкларнинг Марказий банкдаги маблағлари (мажбурий захиралар ҳисобга олинмаган) 3,4 трлн сўмга, бошқа банклардаги маблағлар 13,1 трлн сўмга, давлат қимматли қоғозлари эса 2,8 трлн сўмга кўпайганлиги билан изоҳлаш мумкин.




**2-расм. Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати[2], *фоизда***

Шунингдек, бугунги кунда уаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш даражаси заифлашган. 2024 йил I ярим йиллиги якунида, муаммоли кредитларнинг қоплаш коэффициенти 30 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38 фоизга пасайган. Шунингдек, 2024 йил 1 июль ҳолатига, захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитларнинг регулятив капиталга нисбати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 фоиз бандга ошиб, 12 фоизга етди. Ушбу кўрсаткичларнинг пасайиш ҳолати банкларнинг кредитлар бўйича йўқотишларга бардошлилигини заифлаштириши мумкин.

Кўриб ўтилган банк ликвидлилиги бўйича экстремал масаланинг математик моделини тузиш, ҳисоблаш ишларини компьютерлар ёрдамида амалга ошириш билан моделлаштириш шуғулланади. Банк ликвидлилигига доир ечилаётган масаланинг ҳажмига кўра ҳисоблаш ишларини амалга оширишда маълумотлар йиғилади ва қайта ишланади. Хусусан, тузилган махсус математик моделлар асосида банкнинг актив ва пассив операцияларини мувофиқлаштириш учун яратилган дастурлардан фойдаланилади.

**Хулоса.** Амалга оширилган изланишларга асосланган ҳолда банк ликвидлилигининг таснифи ва тавсифи шакллантирилди, бу жараёнлар орқали банк ликвидлилигининг мазмуни ва моҳиятида очилмаган ички қирралари умумий, маъмурий, инновация ва корпоратив ёндошувлар орқали баҳоланади. Банк ликвидлилигининг умумлаштирилган принциплари ўзаро боғлиқликда ҳаракаланганлиги учун тизимнинг яхлитлигини таъминлайди, аммо унинг айрим принциплари мустақил ҳаракатланиши ва ривожланиши тизимнинг ўзига, иқтисодиётга сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Банкнинг ликвидлилиги атамаси кўп қиррали, кўп ўлчовли, кўп омилли ва динамик тушунча бўлиб, у «тўловга қодирлик» ва «кредитга лаёқатлилик», «ишончлик» ва «барқарорлик» каби атамалар билан

2 https://cbu.uz/ сайти маълумотлари асосида тузилди

ўзаро боғлиқ ҳолда фарқ бўйича бир бутун фикрлар билан шаклланмаган. Мазкур атамалар банк ликвидилилиги билан тенглаштирилади ёҳуд улардан синоним сифатида фойдаланилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Европа Марказий банки расмий веб сайти – https: //www.ecb.europa.eu
2. Абдуллаев А.Я. Банк ликвидлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларга хос бўлган хусусиятлар // Biznes-Эксперт. – Т., 2013. № 6. – Б. 22-27.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
4. Basel Committee on Banking Supervision. Basel III:Principles for the management and supervision of liquidity risk, June 2008, p. 1 - 35
5. Абдуллаев А.Я. Банк ликвидлигини бошқаришдаги илмий-назария эволюциясининг долзарб масалалари // Biznes-Эксперт (Биржа эксперт). – Т., 2013. № 1-2. - Б. 8-11.
6. Қоралиев Т., Ғ.Яхшибоев (2006) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми. – Тошкент: Академия, - Б.98-99.
7. Абдуллаева Ш. Банк иши. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. - 180 б.
8. Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 18 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14 - сонли (“Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2015. № 32, 141-152-б.
10. Роуз Питер С. Банковский менежмент: Предоставление финансовых услуг. – М.: Дело ЛТД, 1995. – 743 с.

# YASHIL
IQTISODIYOT&TARAQQIYOT

*Ijtimoiy, iqtisodiy, texnologik, ilmiy, ommabop jurnal*

**Ingliz tili muharriri:** Feruz HAKIMOV

**Musahhih:** Zokir ALIBEKOV

**Sahifalovchi va dizayner:** Hasan MAQSUDOV

**2026. № 6/1**



© Materiallar ko‘chirib bosilganda ““Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali manba sifatida ko‘rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma’sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.


Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin. Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.


El.Pochta: sq143235@gmail.com

Bot: @iqtisodiyot_77

Tel.: 93 718 40 07


Jurnalga istalgan payt quyidagi rekvizitlar orqali obuna bo‘lishingiz mumkin. Obuna bo‘lgach, @iqtisodiyot_77 telegram sahifamizga to‘lov haqidagi ma’lumotni skrinshot yoki foto shaklida jo‘natishingizni so‘raymiz. Shu asosda har oygi jurnal yangi sonini manzilingizga jo‘natamiz.


““Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali 03.11.2022-yildan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №566955 reyestr raqami tartibi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazilgan.

**Litsenziya raqami:** №046523. PNFL: 30407832680027

**Manzilimiz:** Toshkent shahar, Mirzo Ulug‘bek tumani Kumushkon ko‘chasi, 26-uy.

Jurnal sayti: https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz